



**ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ЕНДОКРЕНАЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИГАН ТАЯНЧ ВА ФАНГА ОИД  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАР**

*Азимбегова Ситора Нодировна*

*Тошкент давлат педагогика университети мустақил тадқиқотчиси*

***Аннотация:** Тиббиёт олий таълимнинг намунавий ўқув дастурларида талабаларга замон талабалари асосида билим бериш таянч компетенциялар талабалар ўзларининг шахсий, ижтимоий ва касбий ҳаётларида самарали фойдаланишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакага эга бўлиши билан шаклланади.*

***Калит сўзлар:** Таянч ва фанга оид компетенция, компетенция, компетентлилик, компетенция тушунчалари, компетенциявий ёндашув асослари ва талаба касбий*

**Тадқиқотнинг долзарблиги:** таянч ва фанга оид компетенцияларни ривожлантириш жараёнини лойиҳалаш орқали, ундан ўқитиш методларини танлаш тамойиллари келиб чиқади. Юқорида кўпгина олимларнинг компетенция ҳақидаги фикрлари ва бу борадаги қарашлари ҳақида тўхталиб ўтдик. Талабаларда шакллантириш ва ривожлантириш кўзда тутилаётган компетенциялар олдида қўйган вазифаси ва моҳиятига кўра, бир-биридан фарқланади. Масалан, умумий компетенциялардан таълим компетенцияларини фарқлаш лозим. Таълим компетенцияси талабанинг келажакдаги ҳаёт фаолиятини моделлаштиради [1].

**Адабиётлар тахлили:** ҳозирги даврда, компетенциявий ёндашув олий таълим муассасаларида таълими рамкасида талабалар ўзларининг шахсий,



ижтимоий ва касбий ҳаётларида самарали фойдаланишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакага эга бўлишини кўзда тутди. Муаллифлар И.С.Сергеев ва В.П.Блинованинг [3] компетенциявий ёндашув имкониятлари борасида тутган нуқтаи назарларига ҳам қўшилиш мумкин:

таълим муассасасида талабаларни жавобгарликни ҳис этган ҳолда ва онгли равишда таълим олишга тайёрлаш;

таълим жараёнида талабаларнинг жавобгарлик ва мустақиллик даражасини ошириш. Натижада, ўқитувчи меҳнатини енгиллаштириш; талабаларнинг мақсадларини педагоглар томонидан белгиланган асосий ўқитиш мақсадлари билан мослаштириш; талабаларни олдиндан айтиб бўлмайдиган, ҳаётда учрайдиган ностандарт вазиятларга тайёрлашга эришиш; амалда тарбиявий ва ўқув жараёни бирлигини таъминлаш, унинг доирасида бир хил масалаларнинг аудиторияда ва аудиториядан ташқари вақтларда турлича методлар билан ечилишини кўрсатиш ҳамда таълимнинг кундалик ҳаётга фойдаси борлигини талабаларга аниқлаштириш [53].

Юқорида келтирилган тамойиллар ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ажралмас қисми бўлиб, ўқитувчига ва талабага ёрдам беради. Компетенциявий ёндашувда биринчи навбатда олий таълимнинг натижасига эътибор қаратилиши керак. Бунда талаба томонидан ўзлаштирилган ҳажми эмас, балки турли вазиятларда мазкур ахборотларни қўллаш олишига эътибор қаратилади. Бизнинг позициямиз К.Г.Митрофанов [2] ва О.В.Соколованинг [7] тадқиқот ишлари билан тасдиқланади. Уларда компетенциявий ёндашувни амалиётга жорий этишнинг тўртта аспекти ажратиб кўрсатилади: Таянч компетенциялар (фандан юқори тавсифга эга бўлган таянч компетенция, хусусан, тушунишнинг педагогик технологияси ва техникаси, турли кўринишдаги ахборотларни олиш ва таҳлил қилиш); фанга оид кўникмаларни умумлаштириш (фанга тегишли умумлаштирилган кўникмаларни шакллантириш); амалий фан кўникмалари (олинаётган билимларни амалда



қўллашга йўналтириш); ҳаётий кўникмалар (кундалик турмушда қўлланиладиган оддий кўникмаларнинг турлича спектрлари).

Шундай қилиб, компетенциявий ёндашув олий таълимнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Хусусан, талабаларда фанга оид компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга асос бўлади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув биринчи навбатда ўқитишнинг замонавий ва альтернатив шаклларида фойдаланган ҳолда, билимлар тўплайдиган ва улардан кейинги ҳаётларида фойдалана оладиган шахсни шакллантиришга имкон берадиган шароитни яратишни тақозо қилади. В.В.Краевский [4] ва А.В.Хуторскойлар таълим компетенцияси бир-бири билан боғланмаган билимлар ва кўникмаларни талабалар томонидан шунчаки тўплаши эмас, балки уларни мажмуали равишда эгаллашни кўзда тутди деган фикрни берадилар [6]. Демак, таълим компетенцияси – бу талабанинг объектив борлиқда зарурий равишда шахсан ва ижтимоий аҳамиятли самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган билими, кўникма, малака ва компетенциялари, фаолият тажрибаси, мотива-цияси, мантиқий фикрлаши, қизиқишлари ва мазмунан йўналтирилганлиги тўплами [24].

Таълим компетенцияси тушунчасини белгилаб олиб, мазкур тадқиқотда унинг мазмунини аниқлаштириб олиш зарур. Бу хусусда А.В.Хуторской [33, 24] позициясига тўхталадиган бўлсак, унга кўра, компетенция-ларни таълим мазмуни қисмларга бўлиш асосида урта даражага ажратиш мумкин: метапредмет (барча фанларга хос бўлган), фанлараро (маълум циклга кирувчи фанлар ёки бир-бири билан боғланган таълим соҳалари) ва фанга оид (битта ўқув фанига хос) компетенциялар. Бундай туркумлашда таълим компетенцияси умумий таълимнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Таълим компетенцияси тушунчасини таълимнинг амалий ва меъёрий таркибий қисмларига татбиқ этиш кўпгина олий таълим учун долзарб бўлган муаммони ечишга имконият беради. Бу муаммо талабалар етарли



даражада назарий билимларни эгаллай олсалар-да, лекин уларни аниқ масалаларни ечишда ёки муаммоли вазиятларда қўллашда қийинчилик сезишидан иборат [4].

Таянч компетенцияларнинг таърифи бўйича ягона тўхтамга келинмаган. Чунки ҳар бир мамлакатнинг ёки минтақанинг ўз анъаналари, менталитети ва ўзига хос талаблари бор. Компетенция – бу жамиятнинг ўз фуқароларига қўйган ижтимоий буюртмаси бўлиб, уларнинг рўйхати маълум бир мамлакатдаги ёки минтақадаги ижтимоий муҳит билан белгиланади. Бундай келишувга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Масалан, Швейцариянинг ва талабанинг компетентлиликка доир турли компетенцияларнинг таҳлили кўрсатадики, улар креатив йўналишга эга. Креатив компетенцияларга “тажрибадан бирор фойдали маълумот чиқариб олиш”, “муаммони еча олиш”, “олдинги ва ҳозирги воқеалар орасидаги ўзаро алоқани очиш”, “янги ечимларни топа олиш” кабилар киради.

Компетентлилик билим, кўникма, малака ва шахсий хусусиятлар йиғиндисидан иборат шахсий натижалар, тизимли фаолият. Бу эса, таълим тизимини компетенциявий ёндашув асосида олиб боришни тақозо этади. Компетентлилик ва компетенциянинг ўзаро нисбатини кўрсатса, унда “компетенция” бирламчи, “компетентлилик” иккиламчи эканлиги аён бўлади (1-расм). Берилган ахлоқий ўқувларга кўра, шахснинг у ёки бу соҳадаги компетентлиги шакллантирилади, компетентлилик ва компетенцияларнинг интерференцияси (2-расм) асосида шахс компетентли деб ҳисобланади.



**1-расм. Компетентлилик ва компетенция тушунчаларининг анъанавий таълимдаги боғланиши**



**2-расм. Компетентлилик ва компетенция тушунчаларининг Интерференцияси**



Компетенцияларнинг анъанавий таълим параметрлари билан таққосланишини таъминлаш учун “таълим компетенциялари” тушунчасини компетенциянинг тузилиши компонентлари рўйхати орқали очамиз: компетенциянинг номи; компетенция типи ва унинг умумий кетма-кетлигидаги ўрни (таянч, умумфанлар, фанга оид); компетенциялар киритиладиган, реал фаолият кўрсатадиган объектлар доираси; компетенциянинг ижтимоий-амалий боғлиқлиги ва аҳамияти; компетенциянинг шахсга нисбатан аҳамияти (нима сабабдан талаба компетентли бўлиши керак?); реал объектлар доирасига оид билимлари; берилган реал объектлар доирасига оид кўникма ва малакалар; мазкур компетенция доирасида талабанинг фаолият кўрсатиши учун керак бўладиган минимал тажрибаси индикаторлар – талаба компетентлиги даражасини аниқлаш учун ўқув ва назорат – баҳолаш топшириқлари намуналари, мисоллари. Келтирилган тўпلام, меъёрий хужжатлар, ўқув-методик адабиётлар, шунингдек, талабаларнинг умумий тайёргарлигини аниқлаш, шу билан бирга уларнинг креатив тайёргарлиги даражасини баҳолайдиган хужжатларни лойиҳалаш ва ёритиш учун тавсифловчи тўпلامни белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг Давлат таълими стандартларининг тасдиқлаш тўғрисидаги" 187-сон қарорининг ижросини 2017-2018 йиллар давомида босқичма-босқич амалиётга жорий этилди [8].

Тараққиётни ислоҳ қилишнинг тамойили ва устувор йўналишини шарҳлай олиш, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва тараққий этиш даври ҳақида айтиб бера олиш, кундалик фаолиятда турли формула, модель, чизма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва улардан фойдаланиш.



Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фанлардан компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастури ишлаб чиқилишидан мақсад, талабаларнинг билим савиясини бугунги кун талабига мослаш, халқаро андозалар даражасига кўтариш, яъни уларнинг эгаллаган билими, кўникма ва малакаларини шахсий, касбий ва ижтимоий-амалий фаолиятларида амалий қўллаш олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтиришдан иборат.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida crocodile ict dasturi asosidagi virtual laboratoriyalarda o'qitish metodikasi // "Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari" ilmiy-nazariy jurnal. ISSN:2181-9580, – Toshkent, 2021. (13.00.00 №32)

2. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida biokimyo fanini o'rgatishda virtual laboratoriya ishlaridan foydalanish ta'lim sifatini oshirish omili sifatida // NamDU ilmiy axborotnomasi. ISSN 2181-1458, – Namangan, 2023. -№4 -B 809-814. (13.00.00 №30)

3. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratory - information in education a specific factor of the communication system in the form // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN:2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5, 2022. p. 92–95.

<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/614>

4. Mamadaliyeva Z.R. Methodology for determining the level of bilirubin in the blood in a biochemical analyzer in a Virtual laboratory method // International conference on advance research in humanities, sciences and education. England. 2023. Vol.1, №1. p.20- <https://conferencea.org/index.php/conferenceas/article/view/371>

5. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida localhost dasturi asosida biokimyo fanini virtual laboratoriyalardan foydalanib o'qitish // The role of exact sciences the era of modern development. Nukus. Vol.1 №.1, 2023. p. 47-51.



<https://uzresearchers.com/index.php/RESMD/article/view/765/703>

6. Мамадалиева З.Р. Виртуал лаборатория ишларидан ўқув сифатини ошириш элементи сифатида фойдаланиш. // “Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar, nazariy va amaliy strategiyalar tadqiqi” respublika ko‘p tarmoqli, ilmiy konferensiya. Andijan. №9, 2023. -Б. 108-111. <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/issue/view/28/45>

7. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratoriya usulida qonda xolesterin miqdorini biokimyoviy analizatorida aniqlash // “Biologik kimyo fanining zamonaviy tibbiyotdagi o‘rni-kecha, bugun va erta” respublika ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami. Buxoro, 2022. -b. 113-114.

8. Mamadaliyeva Z.R. Improving the quality of learning through virtual laboratory work use as element // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN: 2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5 2022. p. 84-86.

<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/612>

9. Мамадалиева З.Р. Тиббиёт олий таълим ташкилотларида биокимё фанини виртуал лабораториялардан фойдаланиб булутли технологияларнинг тарқатиш моделлари методикаси // "Science and Education" scientific journal. ISSN 2181-0842, Toshkent. SJIF(2023):3,848. vol.4 2023. -б. 1227-1233.

<https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5196>

10. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratory - information in education a specific factor of the communication system in the form // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN:2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5, 2022. p. 92–95.

<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/614>